

**Термиз давлат университети расмий веб-сайти орқали  
“Термиз давлат университети дарс жадвали” интерактив давлат хизмати  
регламенти**

**Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса номи**

Термиз давлат университети

**Интерактив хизмат номи**

Дарс жадвали

**Интерактив хизмат натижалари**

Термиз давлат университети ўқитилаётган ўқув гуруҳларининг дарс жадвали (хафта кун, жуфтлик, фан номи, фан ўқитувчиси Ф.И.Ш)ни кўриш мумкин

**Интерактив хизматдан фойдаланувчилар**

Талабалар, педагог ходимлар, ота-оналар, университет раҳбарияти

**Интерактив хизматни кўрсатиш муддати**

Вақтида

**Интерактив хизматни тақдим этишда рад этиш учун асос**

- а) интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётган бўлса;
- б) ўқув гуруҳ учун Дарс жадвали шакллантирилади даврда ("Дарс жадвали шакллантирилади" номли хабар экранга чиқарилади)

**Интерактив хизматни тақдим этувчи муассаса жойлашган манзили**

Термиз шаҳар Ф.Хўжаев 43

**Интерактив хизмат кўрсатилишини бевосита таъминловчи мансабдор шахс**

Термиз давлат университети ўқув ишлар бўйича проректор

**Қариялар ва ногиронларга интерактив хизматни кўрсатиш тартиби**

Алоҳида тартиб кўзда тутилмаган

**Интерактив хизматни кўрсатиш регламентига амал қилинмаганлиги шикоятларни киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби**

Интерактив хизмат бўйича шикоятлар Термиз давлат университети "Электрон кабулхона" ва "Раҳбариятга мурожаат" хизматлари орқали киритилади.

**Юқорида турувчи мансабдор шахс томонидан Интерактив хизматни кўрсатилишини назорат қилиш тартиби**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилган ушбу интерактив хизмат бўйича мурожаатлар ва олинган натижалар статистикаси ҳақида маълумот берувчи саҳифа ташкил қилинган

**Интерактив хизматни кўрсатиш механизми**

Интерактив хизматни ташкил этишда университетда Дарс жадвалини шакллантириш учун масъул ходимлар томонидан Дарс жадвали маълумотлари шакллантирилади. Термиз давлат университетининг Дарс жадвали ўқув ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқлангандан сўнг, Дарс жадвалига масъул ходимларга берилади улар томонидан интерактив хизмат маълумотлар базасига 1 кун муддатда киритилади. Интерактив давлат хизмати маълумотлар базасини техник таъминоти университет веб сайти Администратори томонидан юритилади.